

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КОЖАГЕЛДИЕВ АБАТБАЙ УЗАКБАЕВИЧ

**СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА
ДЕМОКРАТИЗМ ВА КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

23.00.02 - Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации (DSc) доктора наук

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Кожегелдиев Абатбай Узакбаевич

Сиёсий институтларни модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойиллари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)3

Кожегелдиев Абатбай Узакбаевич

Принципы демократизма и конституционализма в модернизации политических институтов (на примере Республики Каракалпакстан).....35

Kojageldiev Abatbay Uzakbayevich

The principles of democracy and constitutionalism in the modernization of political institutions (on the example of the Republic of Karakalpakstan).....67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works72

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КОЖАГЕЛДИЕВ АБАТБАЙ УЗАКБАЕВИЧ

**СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА
ДЕМОКРАТИЗМ ВА КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

23.00.02 - Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Ss28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мусаев Фахриддин Абдусаттарович** фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жўраев Нарзулла Қосимович** сиёсий фанлар доктори, профессор

Равшанов Фазлиддин Равшанович сиёсий фанлар доктори, профессор

Жўраев Юлдаш Очилович юридик фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511 хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

К.М.Мирзаахмедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.д. (PhD).

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб ривожланган давлатларда давлат бошқаруви тизимига самарали маъмурий механизмларни қўллаш амалиётига талаб ортиб бормоқда. Дунёдаги демократик жамият қуриш, ўз фуқароларининг мамлакат ҳаётига оид қарорлар қабул қилинишида кенг иштирокини таъминлаш йўлидан бораётган мамлакатларнинг бошқарув тизимидаги асосий эътибори сиёсий институтларни модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойилларига амал қилиш лозимлигига оид сиёсий технологияларга эътибор қаратилмоқда. Бунда, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисмини демократик жамиятнинг ажралмас атрибути ҳисобланган фуқаролик жамияти институтларига, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказиш, жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш ҳамда ваколатларини янада кенгайтириш вазифалари долзарблашиб бормоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасида давлат бошқарувини демократлаштириш учун бошқарув самарадорлигини баҳолаш технологияларини қўллаш ҳамда сиёсий институтларни модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойилларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, давлат бошқаруви соҳаларида глобаллашув ва модернизациялаш жараёни шиддат билан кечаётган бугунги кунда «миллий ривожланиш», «миллий концепция», «миллий моделлар», «сиёсий модернизация», «жамиятни модернизациялаш» тушунчаларининг методологик асосларига оид бир қатор концептуал қарашлар ҳам илгари сурилмоқда. Шунинг учун бугунги кунда дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ўз изланишларида давлат бошқаруви тизимида демократизм ва конституционализм тамойилларига амал қилган ҳолда ҳокимият органлари ўртасидаги вазифа ва ваколатлар такрорланишининг олдини олиш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда етарлича иштирокини таъминланлаш каби муаммоларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Мамлакатда давлат бошқарув органлари ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш масаласи маҳаллий ҳокимиятни номарказлаштириш жараёни ҳамда сиёсий институтларни модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойилларига амал қилиш, шунингдек, халқаро тажрибани ҳам ўрганиш ва бу соҳадаги жаҳон тажрибасини амалиётга кенг татбиқ этиш масалалари энг долзарб ва муҳим вазифалардан биридир. Шу боис, демократизм ва конституционализм тамойилларининг сиёсий институтларни модернизациялаш асоси сифатида уларнинг таркибий тузилмалари, мезонлари, концепция ва моделларига тизимли тарзда сингдирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2851-сон “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналиши I “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Жамиятни модернизациялаш, конституционализм ва демократизм тамойиллари асосида сиёсий институтларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш механизм ва технологиялари масалалари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Peace Research Institute Frankfurt (Германия), Centre of Scientific investigation of civil Society, Centre International investergate of Oxford University, Cambridge University, The George Washington University (АҚШ), Centre of scientific investigation of Central Asia, Institute of International Policy Studies, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Миллий ва федерал муносабатларни таҳлиллаш маркази давлат хизмати Академияси (Россия), Asian strategy and Leadership Institute (Малайзия), The China Researcher Center (Хитой), Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университет (Ўзбекистон)ларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сиёсий институтларни модернизациялаш концептуал моделларининг жаҳон миқёсида конституционализм ва демократизм тамойиллари асосида сиёсий – юридик таҳлили масалаларига оид олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги илмий натижаларга эришилган: ижтимоий-сиёсий тараққиётда модернизация ва сиёсий институтларнинг мавқеи ва мақоми аниқланган (Institute Gelap for publisher disput, АҚШ, Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society, Германия); жамиятда

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, www.ucentralasia.org, www.nti.org, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk/nirc, www.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.uni-freiburg.de; www.csis.org; www.iips.org/en/; riss.ru; www.chinacenter.net; www.kisi.kz; uzstrateg.info; www.ifs.uni-frankfurt.de; centralasiaprogram.org; www.dba.uz, www.uzhistory.uz, www.nuu.uz, www.tuit.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

демократизм ва конституционализм тамойиллари асосида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг аҳамияти, миллий тараққиётда модернизациянинг йўналишлари (Centre International investigate of Oxford University, Буюк Британия, Center of scientific investigation of central asia, АҚШ, The China Research Center, Хитой, Institute of International Policy Studies, Япония, Asian Strategy and Leadership Institute, Малайзия) ишлаб чиқилган.

Дунёда жамиятни модернизациялаш ва сиёсий институтларни янада такомиллаштиришда демократизм ва конституционализм тамойилларига амал қилишни таъминлаш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. (М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети, Халқаро иқтисод ва бизнес институти, Давлат бошқарув университети, Президент ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси). Тадқиқат натижалари асосида анъанавий жамият ва уни модернизациялаш стратегияси, жамиятнинг трансформациялашувида конституционализм ва демократизмнинг тамойиллари, инсонпарварлик ва шахснинг сиёсий-ҳуқуқий ҳолатини бошқариш принципи каби илмий ва услубий мақолалар расмий журналларда эълон қилиб борилмоқда (“Советник”, “Sostav.ru”, “Advertology.ru”, “Новости СМИ”, “Пресс-служба”).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда давлат ижроия ҳокимияти бошқарув тизимини номарказлаштиришга доир дастлабки ғоялар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарларида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» ғояси асосида, 2016-2017 йилларда мамлакатда давлат ҳокимияти органларини модернизациялаш ва номарказлаштириш мақсадида, 2017 йил 8 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси” ишлаб чиқилди ва унинг концептуал вазифалари амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур концепция ўзида давлат бошқарувининг концептуал янги миллий моделини намоён қилиб, илмий ишимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилган.

Жамиятни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялашнинг назарияси ва амалиёти, эволюцияси, истиқболларини башоратлаш, мазкур жараённи етакчи давлатлар тажрибаси асосида қиёсий тадқиқ этиш муаммонинг ўрганилганлик даражасига мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев асарлари², хусусан, давлат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», кенг кўламли ислохотларни олиб бориш борасидаги ғоялари ушбу тадқиқототга илмий-методологик асос бўлиб хизмат

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

қилса, соҳага оид қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқотнинг услубий базаси бўлиб хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида сиёсий институтларни модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойилларига асосланган муаммоларни ўрганиш бугунги кунга қадар тадқиқотчилар диққат-эътиборидан четда қолиб келган.

Сиёсий институтларни модернизациялаштиришдаги етакчи давлатларнинг тарихий ривожланиш эволюцияси – тажрибаси асосида қиёсий татбиқ этиш муаммонинг ўрганилганлик даражасига мисол бўла олади.

Фуқаролик жамияти ва давлат ўзаро муносабатларининг демократизм (адолат) тамойилларига асосланишининг назарий ва амалий жиҳатлари қадим замонлардаёқ Конфуций, Платон, Аристотель, Суқрот, Цицерон³ томонидан ўрганилган. Шарқда Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий, Бердақ, Кунхожа, Ажиниёз сингари алломаларнинг асарларида жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларини сиёсий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий тизимли таҳлил қилиш асосида, жамият сиёсий тизимини шакллантириш тизимлари ва жараёнлари ривожлантирилган. Ўрта асрларда Н.Макиавелли, Ж. Боден, Т. Гобс, Ж.Лок, Ш.Монтескье, Жан Жак Руссо⁴ асарларида давлат ва жамият муносабатларига доир сиёсий қарашлар такомиллаштирилган. Сиёсий институтларни модернизациялашда конституционализм ва демократизм тамойилларининг шаклланиши муаммосининг ўрганилганлик даражасини кўздан кечириб, диссертант томонидан Қорақалпоғистон сиёсий тизимининг шаклланишидаги ўтмиш, шўро тажрибаси, унинг ҳозирги кундаги ҳолати етарли даражада чуқур тадқиқ этилмаган, деган хулосага келинди.

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси олимлари ва мутахассислари миллий давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси муаммоларини тадқиқ эта бошладилар. Авваламбор, Х.Бабаев, Ж.Бахронов, З.А.Дадабоева, Д.З.Дехқонова, К.В.Джавакова, В.В.Дубков, О.Ч.Жумаев, Р.З.Жумаев, У.Ю.Идиоров, У.И.Ислombeков, Г.Д.Кочкарова, Х.Н.Махманова, Р.Х.Мадалиева, Д.С.Муитов, З.Мукимов, М.М.Муллажонов, А.Г.Муминов, Ф.Мусаев, С.Д.Ниетуллаев, З.А.Раҳмонова, У.К.Саралаев, У.Таджиханов, М.Турақулов, К.М.Умарова, Н.Т.Умарова, Т.Файзуллаев, С.С.Фаттоев, М.П.Юнусова, К.А.Юнусов, М.М.Юлдашев, И.Эргашев, Ш.Т.Қудратхўжаевлар⁵нинг махсус диссертация тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ушбу олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор мустақиллик

³ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

⁴ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

⁵ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

шароитида ўзбек давлатчилигининг вужудга келишини ўрганишга қаратилади, уларнинг айримлари эса муаммога ўтмиш нуқтаи назаридан ёндашадилар. Фақат С.Д.Ниетуллаев ва К.М.Умароваларнинг докторлик диссертацияларида қорақалпоқ давлатчилигининг вужудга келиши тажрибаси таҳлил қилинган. Агар С.Д.Ниетуллаев юридик фанлар нуқтаи назаридан Қорақалпоғистон Конституцияси тарихини суверенитет давригача ўрганган бўлса, К.М.Умарова сиёсий маданият муаммоларини давлат тарихи ва назарияси нуқтаи назаридан тадқиқ этган. Я.Абдуллаева, Азамат Зиё, А.Т.Азизхонов, А.Азизхўжаев, П.Айтнийазов, С.Атамуратов, Л.М.Ахунджанов, М.Байдадаев, Л.М.Бойко, Ш. Жалилов, Н.Жураев, Р.З.Жумаев, Б.Дауменов, С.Джураев, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Ю.Ибрагимова, З.М.Исломов, Х.А.Қабулов, Е.Д.Кутыбаева, Ш.О.Мамадалиев, А.Мирзаев, Б.А.Миренский, М.Мирхамидов, Ф.Мусаев, З.Муқимов, Г.Н.Набиев, С.Д.Ниетуллаев, Х.Т.Одилқориев, Н.Рахматуллаев, Э.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов, К.Умарова, К.Усмонов, У.Тожихонов, А.Саидов, А.Тўлаганов, Э.Х.Халилов, М.Шарифхўжаев, И.Эргашев, М.Қирғизбоев, О.Хусанов сингари олимларнинг монографиялари, китобларида Ўзбекистонда мустақил давлатнинг вужудга келишидаги фалсафий, ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар, фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида сиёсий тизимни демократлаштириш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Лекин мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши конституционализм ва демократизм тамойиллари асосида ривожланиши тадқиқ этилмаган.

Сиёсий демократия, сиёсий модернизация муаммоларини тадқиқ қилиш ва сиёсий институтларнинг тизимли, ташкилий-бошқарув ва сиёсий хусусиятларини ўрганишда чет эллик олимлардан: Н.А.Антонович, Р.Г.Апресян, О.В.Бургонов, И.П.Василенко, К.С.Гаджиев, И.Б.Гранадар, А.Н.Данилов, А.Д.Джекшенкулов, В.В.Ильин, Б.А.Исаев, Г.Р.Латфуллин, В.В.Лобанов, В.М.Межуев, Р.П. Мухаев, М.Я.Острогорский, А.С.Панарин, В.И.Жуков, В.П.Пугачев, Г.В.Пушкарева, Ю.М.Резник, А.И.Соловьев ва бошқаларнинг монографиялари, асарларида мустақил давлатнинг вужудга келишидаги фалсафий, ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар, фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида сиёсий тизимни демократлаштириш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Улар сиёсий демократия, сиёсий модернизация муаммоларини тадқиқ қилиш ва сиёсий институтларнинг тизимли, ташкилий-бошқарув ва сиёсий хусусиятларини ўрганишга салмоқли ҳисса кўшганлар. Лекин мазкур олимларнинг ҳам ҳеч бири томонидан мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланишини тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини демократлаштириш муаммолари»

мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларини модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойиллари намоён бўлиш хусусиятларини назарий-методологик жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда демократизм ва конституционализм тамойиларининг сиёсий институтларнинг моҳияти, тизимли хусусияти ва вазифаларига сингдирилишининг механизмларини (методика, баҳолаш индикаторлари ҳуқуқий нормаларини) ишлаб чиқиш;

демократизм ва конституционализм тамойиллари асосида сиёсий жараёнлар субъекти ва объекти муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

Қорақалпоғистондаги янги сиёсий институтларнинг моҳиятида конституционализм ва демократизм тамойилларининг устувор жиҳатларини шунингдек, Ўзбекистон мустақиллигининг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

фуқаролик жамиятининг шаклланишида ва сиёсий тизимнинг ривожланишидаги конституционализм ва демократизмга асосланиб бошқарувда давлатнинг ролини очиқ бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мустақил давлат вужудга келиши ва ривожланишидаги, жамиятни демократлаштиришдаги фаолиятини таҳлил қилиш;

давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг сиёсий ҳаёт ва давлатни бошқаришдаги фуқароларнинг иштирокини ривожлантириш ишлари тажрибасини умумлаштириш;

фуқаролик жамияти ва сиёсий демократияни шакллантиришда сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ОАВ ҳамда манфаатдор гуруҳлар ўрни ва ролини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасида сиёсий модернизация муаммоларини ўрганиш ва сиёсий институтларни модернизациялашнинг замонавий, илмий асосланган усулларини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистон Республикасида сиёсий институтларни модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойилларига амал қилиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикасида сиёсий институтларни модернизациялашда демократизм ва конституционализм тамойилларига амал қилинаётганлигига оид назарий-ҳуқуқий асосларининг сиёсий таҳлилини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, анализ, синтез, эмпирик, кузатув, сўров каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон давлат ҳокимияти бошқарув органлари фаолиятида қонунийлик ва шаффофликни таъминлашда жамоатчилик назоратининг

жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби механизмлардан фойдаланиш самарадорлиги очиб берилган;

жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий ўзгаришларга оид модернизация жараёнларида сиёсий институтлар Конституцияда белгиланган нормалар, конституция тамойиллари ва демократик қоидаларга амал қилиши ижтимоий-сиёсий барқарорлик омили эканлиги асосланган;

Қорақалпоғистонда сиёсий тизимни модернизациялаш жараёнида “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи” эканлигига оид конституцион тамойилга амал қилиш давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминловчи етакчи омил эканлиги очиб берилган;

сиёсий жараёнларда фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, ОАВлар иштирокини янада кучайтириш демократик жамият ривожини кўрсатувчи муҳим индикатор эканлиги илмий асосланган;

Қорақалпоғистонда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳамкорликни давлат+ННТ, давлат+сиёсий партия, фуқаро+электрон ҳукумат каби механизмлар асосида йўлга қўйиш самарали эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши доирасида мамлакатимизни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалиётга татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

маҳаллий бошқарув органлари тизими муаммоларини ҳал этишда давлат бошқарув органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш учун хулосалар берилган;

жамиятни модернизациялаш жараёнини такомиллаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва таълим тизимининг кенг иштирокини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилиб, тўпламларда нашр этилганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус илмий-назарий журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда сиёсий институтларнинг

фаолиятини такомиллаштиришда ва бошқарув органлари фаолиятида, конституционализм ва демократизм тамойилларининг ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш манфаатлари нуқтаи назардан ёритилган. Тадқиқот материаллари ва натижалари ҳокимиятнинг илмий назарий талқинига асосланиб, конституция билан ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатлар диалектикасига катта эътибор қаратилган.

Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти назарий хулосалар ва илмий таҳлил методлари сиёсатшунослик фанларини янада ривожлантириш ва сиёсий технологияларни такомиллаштиришда қўлланиши ҳамда қатор назарий муаммоларнинг қонуниятлари, тенденцияларини англаб етишда ва уларни таҳлил қилиш асосида сиёсий жараёнларни янада чуқур ўрганишда қўшимча имкониятлар яратиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, материал таҳлилидан келиб чиқадиган тавсиялардан: сиёсий институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан сиёсий демократияни ривожлантиришда конституционализм ва демократизм тамойилларига амал қилган ҳолда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши

Қорақалпоғистон давлат ҳокимияти бошқарув органлари фаолиятида қонунийлик, очиқлик, шаффофликни таъминлашда жамоатчилик назоратининг: жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби механизмларидан фойдаланиш самарадорлиги очиб берилганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги рухсатномаси асосида тайёрланган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” ўқув қўлланмасини (2020) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5287-сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур назарий хулосалар ўқув қўлланманинг назарий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилган;

жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий ўзгаришларга оид модернизацион жараёнларда сиёсий институтлар Конституцияда белгиланган нормалар, конституция тамойиллари ва демократик қоидаларга амал қилиши ижтимоий-сиёсий барқарорлик омили эканлигига доир амалий таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Кенгашининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Кенгашининг 2020 йил 23 ноябрдаги 25-11/2020-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Кенгашининг фаолиятини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган;

Қорақалпоғистонда сиёсий тизимни модернизациялаш жараёнида “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи” эканлигига оид конституцион тамойилга амал қилиш давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол

иштирокини таъминловчи етакчи омил эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги руҳсатномаси асосида тайёрланган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” ўқув қўлланмасини (2020) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5287-сонли маълумотномаси). Мазкур назарий хулосалар ўқув қўлланманинг назарий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилган;

сиёсий жараёнларда фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, ОАВлар иштирокини янада кучайтириш демократик жамият ривожини кўрсатувчи муҳим индикатор эканлиги бўйича хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қорақалпоғистон Кенгаши иш дастурининг V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар бўлимининг 27. “Миллатлараро муносабатларни янада жадаллаштириш мақсадида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш” ҳамда 28. “Миллий ахборот маконини ҳимоя қилиш бўйича Интернет тармоғида миллий контентни ривожлантириш” бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қорақалпоғистон Кенгашининг 2020 йил 16 июндаги 89–03–506-сон маълумотномаси). Мазкур хулоса, таклиф ва тавсиялар партия фаолиятида демократизм ва конституционализм қоидаларига амал қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Қорақалпоғистонда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳамкорликни давлат+ННТ, давлат+сиёсий партия, фуқаро+электрон ҳукумат каби механизмлар асосида йўлга қўйиш самарали эканлигига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Либерал Демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг IV. “Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар” бўлимининг 10. “Аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, муҳандислик коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш” бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Либерал демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 2020 йил 9 августдаги 82–04–315-сон маълумотномаси). Мазкур хулосалар партия фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 11 та республика илмий–назарий ва илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, жумладан, 2 та монография ЎзР Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола

(улардан 11 таси республика 4 таси хорижий журналлардан эълон қилинган).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, ўн иккита параграфни ўз ичига олувчи тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 298 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилганлик даражаси асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети, унинг мақсад ва вазифалари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Демократизм ва конституционализм тамойилларининг шаклланишида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ўрни (илмий назарий концепциялар таҳлили)**» деб номланган бўлиб, унда муаммони ўрганишнинг услубий, назарий концептуал масалалари кўриб чиқилган, замонавий концепциялар таҳлил қилинган. Конституционализм ва демократизм тамойилларининг сиёсий институтларнинг шаклланиш жараёнларига, сиёсий жараёнларнинг объектив-субъектив муносабатларига, тизимли хусусияти ва функцияларига таъсирининг сиёсий-фалсафий талқин берилган.

Сиёсатшунослик тадқиқотларида «сиёсий институт»дан кўра, энг кўп тарқалган ва айни вақтда, ўта зиддиятли атамани топиш мушкул.

Сиёсатшунослик луғатида сиёсий институт «Сиёсий фаолиятнинг турли соҳаларини бошқарувчи ва ҳамда сиёсий тизимни ташкил этувчи роллар ва мавқелар тизимини ташкил этувчи расмий ва норасмий барқарор мажмуи сифатида таърифланади. Сиёсий институтни муайян сиёсий ташкилотлардан фарқлаш зарур»⁶. Шу сингари фикр-мулоҳазалар А.А.Лузан томонидан ҳам баён қилинган бўлиб, унда сиёсий институтлар жамиятнинг сиёсий тизими сифатида қаралади, уларни жамиятнинг сиёсий ташкилотлари билан аралаштириб юбормаслик керак,⁷ дейилади. Ушбу тадқиқотчиларнинг фикрича, сиёсий институт ва сиёсий ташкилот бир нарса эмас, уларнинг орасида функционал тафовутлар мавжуд. Лекин улар мазкур тафовут нимадан иборат эканлигини ойдинлаштириб бермаганлар.

Сўнгги йилларда сиёсатшуносликка оид адабиётларда «давлат» тушунчаси сиёсий тизим концепцияси билан алмаштирилаётгани кузатилмоқда, уларга сиёсий институтлар ҳам киритиб юборилмоқда. Ушбу ёндашув борасида Р.Т.Мухаев «давлат тушунчасини сиёсий тизим

⁶ Человек и общество: Краткий энциклопедический словарь-справочник (политология). - Ростов-на-Дону: Изд-во "Феникс", 1997. - С. 166.

⁷ Ўша манба.

концепцияси билан алмаштириш сиёсат олами фаолият кўрсатишининг норасмий тизимларини ҳисобга олиш, сиёсий тузилмалар, сиёсий маданият, сиёсий хатти-ҳаракат ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидаги ўсиб бораётган ўзаро алоқасини акс эттиришга имкон яратди»⁸, - деб ёзади. Лекин муаллиф сиёсий институтлар ва давлат, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий маданият ва бошқаларнинг ўзаро муносабатини очиб бермаган.

Сиёсий институтларни ўрганишдаги сермахсул ёндашувлардан бири ташкилий-бошқарув, институционал ёндашувдир, чунки фуқаролик жамиятида, биринчидан, ижтимоий институтларнинг роли ҳамда уларнинг инсон ҳаётий фаолияти барча соҳаларига таъсири ўсиб бормоқда; иккинчидан, жамиятнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз-ўзини ташкил этишга эҳтиёжнинг мавжудлиги; учинчидан, ижтимоий ҳаёт нотижорат ва ноҳукумат «учинчи сектор»нинг ривожланиши билан боғлиқ, усиз демократик ҳукуқий давлат қуришнинг имкони йўқ.

Сиёсатшуносликка доир адабиётларда «сиёсий институт», демократизм ва конституционализм тамойиллари ўзаро муносабатларининг илмий-назарий таҳлили деярли учрамайди. Айрим муаллифлар сиёсий тизимдаги мавжуд демократик тамойилларни, конституционализм асосида шаклланиш жараёнларини сиёсий институтлар фаолияти билан боғлиқ жараён сифатида тушунадилар ва уларнинг вазифаларини сиёсий тизим вазифаларига қўшиб юборадилар. Шунинг учун диссертацияда сиёсий институтларни сиёсий тизимдаги демократизм ва конституционализм тамойиллари билан боғлиқ жамиятнинг ривожланишида сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ҳаётга бирдек дахлдор, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив тушунча сифатида таъкидлаб ўтилган.

Бизнингча, сиёсий тизим - бу сунъий яратилган назарий билиш модели, сиёсий институт эса, сиёсий ҳаётда ўзининг бор қирраси билан намоён бўладиган, сиёсий кучларнинг тузилиши ва ўз-ўзини ташкил этиши амалга ошадиган, шахс, гуруҳ ва жамиятнинг сиёсий манфаатлари амалга ошириладиган сиёсий воқеликнинг ўзидир. Сиёсий институтлар демократизм ва конституционализм тамойилларини асосий қонуннинг юридик хусусиятларидан келиб чиқиб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўзини ўзи тартиблаштириш, мувофиқлаштириш нормалари сифатида намоён бўлади.

Тадқиқотда демократизм ва конституционализм тамойилларининг сиёсий институтлар фаолиятидаги самарадорлиги унинг давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим принципларига айлантиришда улар давлат томонидан белгиланган ташкилий-бошқарув имкониятларидан қанчалик билимдонлик билан, тўғри ва ўз вақтида фойдалана олишларига боғлиқ, деган хулосага келинган. Бу тамойиллар қандайдир маслаҳатлар, тавсияларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки кишилар хатти-ҳаракатига, уларнинг фаолиятини ташкил қилишга ижтимоий-психологик, педагогик, ҳукуқий ва

⁸ Мухаев Р.Т. Политология. - М.: Изд-во "ПРИОР", 1997. - С. 90.

маданий таъсир ўтказиш йиғиндисидир. Демократизм ва конституционализм тамойилларини эътибордан четда қолдириш доимо сиёсий институтлар таназзулига олиб келган ва кишиларнинг сиёсий ҳаракатлар, дастурлардан четлашишини юзага келтирган, шундай қилиб уларнинг, Э.Фромм ибораси билан айтганда, «озодликдан қочиши рўй берган»⁹.

Демократизм ва конституционализмни сиёсий институтларнинг мазмунига сингдирилган нормаларга айлантирилиши - бу сиёсий фаолиятнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. Шунинг учун сиёсий хусусиятлар ва сиёсий институтларнинг тизимини ташкил этувчи асосий омил демократик сиёсий фаолиятдир. Бу борада Р.Жумаев: «Айнан инсон, унинг фаолияти охир оқибатда ҳар қандай ижтимоий, сиёсий тизимнинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишини белгилайди. Инсонни ўзгартирувчи сиёсий фаолияти сиёсий тизимни ушбу фаолият орқали шакллантиради, ушбу фаолияти воситасида кишилар сиёсий фаолият ва сиёсий тизим ўзаро алоқаси имкониятларидан фойдаланишда иштирок этадилар, бу ерда сиёсий фаолият сиёсий тизимни белгиловчи энг муҳим тизимни шакллантирувчи омил сифатида юзага чиқади»¹⁰. Шу билан бирга, кишилар сиёсий тизимга, Р.Жумаев тўғри таъкидлаганидек, ўз маданияти, анъаналари, психологияси, ахлоқи хусусиятларини олиб кирадилар. Бу сиёсий тизимнинг фаолият кўрсатиш жиҳатлари, унинг турлари, ўзаро ижтимоий ва сиёсий муносабатларнинг шаклларида ўз асоратини қолдиради»¹¹. Бинобарин, демократизм ва конституционализм тамойиллари сиёсий институтларнинг ғоявий тизимнинг тизимости сифатида халқнинг тарихий-маданий парадигмалари, маънавий-ахлоқий кадриятлари пойдеворида барпо этилади.

Диссертацияда сиёсий институтлар фаолиятида сиёсий демократиянинг улкан ютуғи бўлмиш конституционализм, демократик ҳокимиятни ташкиллаштириш, демократик қарорлар қабул қилиш, ташкил қилиш, асослаш, мувофиқлаштириш ва назоратга олиш сингари жараёнлар таҳлил этилган. Бу жараён жаҳонда демократик давлатларда умумэътироф этилган конституционализм принципи асосида амалга оширилади. "Конституционализм" ва "конституция" атамалари бир хил илдиздан келиб чиққан бўлса ҳам, улар шунга ўхшашдир ва замонавий ҳуқуқий, сиёсий ва тарихий фанларда кўплаб изоҳли маънога эга. "Конституционализм" атамасининг ўзи Америка сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурида XVIII аср охири - XIX аср бошларида пайдо бўлган. Америка инқилобининг намояндалари ва 1787 йилги АҚШ Конституциясининг асосчилари уларга эълон қилинган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан ёзма конституция устунлигини беришган.

Лекин, келажакда, ҳуқуқий, сиёсий ва тарихий тадқиқотларда ушбу атама янада кенг маънога эга бўлиб, аввал Фарбий, сўнгра Марказий, Шарқий ва Жанубий Европа, Лотин Америкаси, Осиё ва Африка давлатларида

⁹ Фромм Э. Бегство от свободы. - М.: «Прогресс», 1995. -С. 115-116.

¹⁰ Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. -Т.«Фан», 1996. -С. 36.

¹¹ Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. - . «Фан», 1996. -С. 36.

демократияга ўтиш ва конституциявий тизимни ўрнатиш жараёнларини тавсифлаш учун ишлатила бошлади.

Конституционализм хорижий мамлакатларнинг кундалик ижтимоий-сиёсий ҳаётига қатъий кириб борди. Жаҳонда конституционализмга сиёсий-ҳуқуқий тизим тушунчаси сифатида фақат сўнгги йигирма йилликда фаол эътибор берилган. Ҳатто конституцион ҳуқуқ дарсликлариди ҳам “конституционализм” тушунчаси, умуман, йўқ. Унинг назарий мазмуни “Конституциявий ҳуқуқ” курсининг кўплаб мавзуларида тарқалиб кетган деб ҳисобланади. “Конституционализм” тушунчаси ички ёки хорижий доктринал манбаларда оддий, асосиз ифодалаш орқали очиб берилмайди. Илмий категория сифатида у белгиланганидан кўра кўпроқ тасвирланган. Масалан, агар конституция, М.В.Баглайнинг фикрига кўра, қоғозга қўйилган энг яхши ғояларнинг йиғиндиси сифатида қаралиши мумкин бўлса, у ҳолда конституционализм – бу конституция ҳаёти, конституциянинг ўзидан яхшироқ бўлмаслиги мумкин бўлган ҳақиқатдир¹. Н.В.Мамитованинг хулоса қилишича, конституционализм – бу давлат ва унинг органлари фаолиятининг чегараларини, унинг ижтимоий муносабатларга таъсир қилиш имкониятларини белгилайдиган тизим². Бу шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигига асосланган механизм бўлиб, давлат ўзи ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини тартибга солиб бўлмайдиган ҳуқуқий тартибга солишнинг мутлақ чегараларини белгилайди. У конституционализмни учта даражада тақдим этилган: конституцион ғоялар назарияси, шаклланиш тарихи; конституциявий институтлар ва конституциявий нормаларни амалга ошириш амалиёти; Япония конституционистлари конституционализмни ёзма конституция орқали асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, деб билади.

Сиёсий институтлар фаолияти муайян ғояларга таянади. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтлари ўзининг стратегик мақсадларини белгилашда ва кундалик ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда «инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги тизими, шахс ва давлат ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенглигини намоён этувчи миллий мустақиллик мафкурасига таянади. Бундай таҳлилда инсон идрок этилади ва талқин қилинади. Ҳуқуқий муносабатда эса, давлат қурилишининг субъекти сифатида ва ижтимоий муносабатларда тарбия ва муҳофаза объекти сифатида белгиланади. Ҳатто кучли ижроия ҳокимияти кучайтирилган ва мустақамланган шароитларда ҳам икки томоннинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги демократия асосларига таяниши лозим, шу аснода шахснинг эркинликлари ва ҳуқуқлари мутлақ устувор бўлиши зарур»¹

Диссертацияда сиёсий институтлар конституциявий қурилишнинг

¹ Баглай М.В. Конституционализм и политическая система в современной России //Российское право. 2003. №11. -С.10.

² Мамитова Н. В. Теория российского конституционализма: история и современность.-М., 2005.

¹ Жумаев РЗ. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. - Т.: «Фан», 1996,-С.153-154

эмпирик манзараси билан боғлиқ ҳолда, демократизм ва конституционализм тамойиллари асосида қарорлар қабул қилиш, ташкил қилиш, рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва назоратга олиши тавсифланади. Тадқиқот жараёнида ушбу функцияларнинг ҳар бири ўз усулларига эга ва сиёсий таъсир ҳамда сиёсий жараёнларни ташкил этишга имкон яратади.

Мазкур тадқиқотда сиёсий институтлар конституционализм ва демократизм тамойилларининг субъекти ва объекти сифатидаги ўзаро ҳаракатларининг интиқоси сифатида сиёсий жараёнлар макро ва микро даражаларда кўриб чиқилади. Макро даражадаги жараёнлар асосий, яъни сиёсий жараёнлар учун макро даражада ҳал қилувчи ҳисобланади. Микро даражадаги сиёсий жараёнлар сирасига вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда мавжуд бўлган сиёсий институтлар, сиёсий фаолият субъектлари ва объектларининг ўзаро ҳаракатларини киритиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикасидаги сиёсий институтлар ва жараёнлар ҳудудий даражага мансубдир. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтлари фаолиятини таҳлил этиш шунини кўрсатмоқдаки, улар вилоят, шаҳар ва туманлар тузилмаларига нисбатан қатор ўзига хос ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув (институционал) хусусиятларига эга, Лекин ушбу ўзига хосликлар уларнинг Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг таркибий қисмига айланишларига тўсқинлик қилмайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-сиёсий институтларининг шаклланиши: демократизм ва конституционализм тамойилларининг миллий хусусиятлари**» деб номланган. Унда Қорақалпоғистонда сиёсий институтларнинг шаклланиши, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг аҳамияти, суверен Қорақалпоғистон давлатининг янги сиёсий воқеликдаги роли, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришдаги ўрнини ўрганишга бағишланган. Ушбу жараёнда демократизм ва конституционализм тамойилларининг шаклланиши ва ривожланишининг миллий хусусиятлари устуворлигига эътибор қаратилган.

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида Қорақалпоғистондаги сиёсий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши йўллари таҳлил этилиб, демократизм ва конституционализм тамойилларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги, жамоатчилик муҳокамаси асосида таъминланган механизмлари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилган «Мустақиллик декларацияси»га (1990 йил 20 июнь) асосан, Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгаши «Мустақиллик декларацияси»ни (1990 йил 14 декабрда) қабул қилди, Олий Кенгашнинг ўн иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессиясида эса, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси (1993 йил 9 апрель) қабул қилинди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги бутунлай янги Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинишига олиб келди ва бу билан мустақилликни мустаҳкамлади.

«Қорақалпоғистоннинг янги Конституциясида худди Ўзбекистон Конституциясида бўлганидек коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Декларация ва Қорақалпоғистоннинг янги конституциясига мувофиқ, у ўз худудида тузилган шартномалар ва битимлар асосида Ўзбекистон Республикасига ихтиёрий бериладиган ваколатлардан ташқари, ўз худудида давлат ҳокимиятининг тўла мукамаллигига эга»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқарувнинг президентлик шаклини ҳуқуқий мустаҳкамлади ва шундай қилиб, у Республика Президентини сиёсий тизимда ва бутун давлат тузилмасида биринчи ўринга қўйди. 89-модда: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.», деб белгиланган².

Ҳозирги замон демократик жамиятларда давлат ҳокимияти ҳуқуқ воситаси, конституция тарздаги қонунларда институционал кўринишда расмийлаштирилади. Шу боис, Конституция давлат ҳокимиятининг моҳиятини акс эттирувчи, унинг фаолият принципларини расман ифодаловчи асосий ҳужжатдир. Бугунги кунда демократик тарзда конституционализмга асосланган давлат ҳокимияти, жамият ҳамда умумий манфаатлар ва фаровонлигига ҳизмат қилувчи институтга айланмоқда. Лекин бу борадаги ислохотлар охириги ўн йилликларда орқада қолиб кетганлиги аён бўлди. Бу ҳақида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: «Афсуски, биз асосий қонунимиз ҳақида, конституция байрамига ўн – ўн беш кун қолганда гапира бошлаймиз. Ҳолбуки, Конституцияни, ўнинг ғояларини ўрганиш ва ўргатиш барчамизнинг доимий вазифамиз бўлмоғи зарур»³. Ҳозирги ислохотлар жараёнида Президент барча демократик ислохотларнинг ташаббусқори бўлиб чиқмоқда, кишиларнинг сиёсий онги ва фаоллигини ривожлантириш, фуқаролик жамиятининг фаолият кўрсатишига имкон яратувчи янги сиёсий институтларни мақсадга интилан ҳолда вужудга келтирмоқда. Шунинг учун барча амалга оширилаётган ислохотлар ва яратилган замонавий сиёсий институтлар Президент номи билан боғланмоқда. Қорақалпоғистон ҳам демократик фуқаролик жамиятига Ўзбекистон билан бирга кириб келмоқда, бу бугунги амалга оширилаётган мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор стратегик мақсадларида ҳам назарда тутилган.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда вужудга келган сиёсий институт – Жўқорғи Кенгесдир. Жўқорғи Кенгес, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига кўра, олий давлат вакиллик органидир. У иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг, давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилади, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ва унинг ўринбосарини, Қорақалпоғистон Республикаси

¹ Айтниязов П. Конституция суверенного государства Каракалпакстан. – Нукус, «Каракалпакстан», 1993

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, -22-б

³ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <https://uza.uz/uz/posts/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

Конституциявий назорат кўмитаси¹, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судини тайинлайди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва унинг ўринбосарини лавозимга тайинлайди ва озод қилади. Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси бугунги кунда давлат ҳокимиятн институтлари фаолиятини шакллантирувчи ва тартибга солувчи асосий сиёсий институтдир. Мустақил давлатнинг олий сиёсий институти сифатидаги Жўқорғи Кенгесининг бундай кенг ваколатларини Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги туфайли кўлга киритди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги навбатдаги олий сиёсий институт ҳукуматнинг ижроия-бошқарув органи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади. Конституцияга биноан, у Жўқорғи Кенгес томонидан тайинланади ва иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатишини, ижтимоий ва маънавий соҳаларга раҳбарликни, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишларининг бажарилишини таъминлайди, Қорақалпоғистон Республикасида бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишларни қабул қилади².

Диссертацияда бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматига иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни самарали ўтказиш, мулкчилик муносабатларининг янги тизимини шакллантириш, бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, миллий маданият ва маънавиятни тиклаш, давлат мустақиллиги, барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш, янги маданий-тарбиявий ва тиббий муассасаларни барпо этиш ва ҳоказолар юклатилганлиги демократизм ва конституционализм тамойилларининг амалий натижаси сифатида таъкидлаб ўтилади.

Мустақиллик йилларида демократизмнинг юксак ютуғи сифатида Қорақалпоғистонда ҳокимиятни қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлиш амалга оширилди. Ҳокимият тақсимланиши давлат ҳокимиятининг майдаланиб кетишига, ҳокимият тармоқлари ва уларнинг институтлари «уруши»га олиб келмаслиги лозим. Шубҳасиз, ҳокимиятнинг тақсимланиши «уларнинг ҳар бири ўз соҳасида тўла ҳукмронлигисиз маъно касб этмайди. Шунинг учун ягона давлатда фақатгина ягона қонунчилик органи, ягона олий ижроия, одил судлов органи бўлиши лозим»³, Лекин бу ҳокимият тармоқлари манфаатларининг умумийлигини инкор этмайди, яъни қонунчилик ва адолат

¹ Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мос келиши устидан назорати амалга оширади.

² Айтниязов П. Конституция суверенного государства Каракалпакстан. – Нукус, «Каракалпакстан», 1993.

³ Айтниязов И. Конституция суверенного государства Каракалпакстан. – Нукус, «Каракалпакстан», 1993 – С.15.

ўрнатилишини, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, кишиларнинг сиёсий манфаатларини ўрганиш асосида таъсирчан қонунлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш, уларга ўз манфаатларини юзага чиқаришда ёрдам бериши зарур.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳокимлар раҳбарлик қиладиган вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятларига бўлинади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар маҳаллаларида тузиладиган фуқаролар йиғини киради¹. Бу ҳолатдан давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, вазифалари ҳамда тузилишининг ўзига хос жиҳатларига кўра, турли сиёсий институтлар эканлиги келиб чиқади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти вазифаларини бевосита амалга оширмайди, Лекин улар сиёсий тизимга киради. Умуман олганда, бундай бўлиниш ва тушуниш кўпгина демократик давлатларда учрайди. Эстатик ва деэстатик бўлган икки тамойилнинг бирлашуви уларда жамият ишлари ва маҳаллий институтларни демократик бошқарув шакли сифатида идрок этилади.

Деэстатик тамойил фуқаролик жамиятининг давлат устидан унинг назоратини фаоллаштириш, унга сиёсий партиялар, манфаатдор гуруҳлар ва вакиллик органларининг таъсирини кенгайтириш, давлатнинг қатор функцияларини марказ тасарруфидан чиқариш, унинг айрим органлари фаолиятида ўзини ўзи бошқариш ишларини кучайтиришдан иборат. Эстатик тамойил давлатнинг, шу жумладан, маҳаллий ҳокимиятнинг жамиятни бошқариш ва бирлаштириш воситаси сифатидаги ролини оширишда², кучли ижтимоий-ҳуқуқий давлатни барпо этишда намоён бўлади. Шундай қилиб, бир томондан, фуқаролик институтларининг фаолияти фаоллашади, аҳолининг янада кўпроқ ўзини ўзи бошқариш уюшмалари шаклланади, бошқа томондан, давлат, унинг институтлари (ҳокимлар)нинг бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи роли кучаяди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон миллий давлатининг бу хусусиятлари халқларимизнинг тарихий-сиёсий тажрибаси ва уларнинг кучли ҳокимиятга интилишидан келиб чиқади. Шу билан бирга, шуни ҳам унутмаслик лозимки, ҳозирги вақтда сиёсий оламда нафақат демократик институтлар ва демократик кадриятларнинг кенгайиши, балки жамиятнинг барқарор ва тадрижий тараққиёти гарови сифатида миллий давлатни мустаҳкамлаш, кучли давлатни барпо этишга интилиш кузатилмоқда³.

Диссертацияда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институт сифатида маҳалланинг роли очиб берилди. Маҳалланинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги аҳамияти Президентимиз томонидан кўп бор таъкидлаб ўтилган: «Жамиятимизнинг муҳим ўзига хос жиҳати шундаки, у жамоавийлик, жамоа манфаатларининг бирлиги, жамоатчилик фикрининг устуворлигига

¹ Қаранг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2019, - 27-29-66.

² Қаранг Пугаченков А.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Учебник. – М.: Аспект-Пресс, 1999. – С.263

³ Қаранг: Сильное государство. – М.: АСТ, 2006, - С. 196-201.

асосланган. Шунинг учун жамиятни демократлаштириш тизимида унинг асосий тамойиллари, энг аввало, ижтимоий адолатни ҳаётга татбиқ этишда маҳалла катта роль ўйнайди. Бугунги кунда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг моддий ва маданий манфаатлари доирасини яхшироқ биладиган бошқа тузилма мавжуд эмас. Маҳалла – энг адолатли, халқ ишончини қозонган йўл ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмидир. У жамиятимиздаги ислохотларни амалга оширишда ишончли асос ва самарали воситага айланиши лозим»¹.

Мустақиллик йилларида маҳалла органлари раҳбарияти, шу жумладан, Конституция ва қонунларга киритиладиган янгиликлар ижтимоий ҳаёт талабларидир; бу талаблар, аввало, сиёсий институтлар фаолиятида акс этади. Масалан, 2016-2018 йиллар ичида давлат ва жамият ҳаётини бошқаришга оид 20 дан зиёд Олий Мажлис қонунлари, 400 яқин Президент фармонлари, қарорлари ва давлат дастурлари қабул қилинди. Улар ичида Ш.М.Мирзиёевнинг «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танглаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» (2018, 30 май), «Ўзбекистон Республика Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси тўғрисида»ги қарорларини келтириш мумкин. Мамлакатимизда инновацион ривожланишга қаратилган давлат сиёсати вазирликларни инновацион изланишларга ундамоқда. Энди, бошқарув фаолияти инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этиш кўлами билан ўлчанмоқда. Инновацион ривожланишга эҳтиёж ўтган ўн йилликлардаёқ кун тартибига кўйилган, бу борада олимлар маълум бир фикрларни илгари суришган эди. Минг афсуски, сиёсий бошқарувдаги автократизм, халқдан узоқлашиш, такаббурилик инновацияга йўл бермади. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг дадил ҳаракатлари туфайли инновацион тараққиётга эришиш сари қадам ташланди. 2018 йил давлатимиз раҳбари томонидан «Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинди, 2019 йил майгача вазирликлар, давлат кўмиталари, ҳукумат идораларини ихчамлаштириш ва такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (янги таҳрир) ва «Стратегик режалаштириш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилишга киришилгани сиёсий институтлар фаолиятини, улардаги бошқариш ишларини янги бочқичга кўтаради. Олий Мажлиснинг «Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти сусайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни сиёсий институтлар бошқариш ишларига янги йўналиш беради,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Тошкент: «Ўзбекистон»,1996. – 175-б

уларда демократизм ва конституционализм тамойиллари уйғунлигини таъминлайди¹.

Мазкур Қонунда мавжуд қонунларга 120 дан зиёд ўзгартириш, қўшимчалар киритилади. Демак, ижтимоий-сиёсий институтларни бошқариш узлуксиз ривожлантирилиб, такомиллаштирилиб бориладиган воқелиқдир. Ҳар бир ижтимоий-тарихий босқич янги талаблар қўяди, у ёки бу институтларни ҳаётга олиб киради. Демократик тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи мавжуд тажрибаларга танқидий ёндашиб, уни инновацион давом эттириш, жаҳон ҳамжамияти эришган ютуқлар билан бойитишни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари айтганидек, аҳолимиз ҳаётининг урбанизациялашуви атиги 35%ни ташкил этар экан. Бу мисол ўтган аждодларимиз номлари билан ҳадеб мақтанавермасдан фаровонлик даражасини ошириш учун тинмай изланишимиз, меҳнат қилишимиз лозимлигидан дарак беради. Бошқарув органларини ислохотлаштириш марказда ва жойларда давлат ҳокимияти янги органларининг пайдо бўлишига ва расмийлашувига ёрдам берди, давлат қурилишини концептуал таъминлиш соҳасидаги бўшлиқни тўлдиради, бизга мерос бўлиб қолган бошқарув тузилмаларининг маълум даражада ривожланиш имкониятини таъминлайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари аппарати фаолиятини амалга ошириш яъни унинг асосий мақсадлари тизимига хизмат қилиш роли – вазибаларга ажратилганлигидадир.

Шу билан бирга, диссертант фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтларини ривожлантириш қатор ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-бошқарув муаммоларини ҳал этишни тақозо этмоқда, деган хулосага келади.

Биринчидан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бугунги кунда катта сиёсий жараёнлар марказида туради. Жамиятдаги турли-туман ижтимоий манфаатларни аниқлаш, уларни ўзаро мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш ва пировардида, консенсус (келишув) асосида ягона иродага айлантирувчи халқ ҳокимияти (фуқаролик ҳокимияти) механизмини вужудга келтиради. Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳалла ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтлари фақат маҳаллий, ҳудудий ишлар билан машғул бўлиб, уларнинг сиёсий жараёнлардаги роли сезилмаяпти.

Иккинчидан, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтлари, амалдаги қонунларга кўра, давлат ҳокимиятининг қуйи органларидир. Лекин, «ҳокимият вертикали қуйидан эмас, юқоридан бошланади. Шунинг учун ўз остида мустаҳкам таянчга эга эмас. Эҳтимол, бундай ёндашув натижасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш аниқ шаклланмагани, қуйи даражаларга давлат таъсири давом этиб, бу билан кишиларнинг ўз-ўзини ташкил этиши чеклаб қўйилгани, балки шундандир»².

Учинчидан, бугунги кунда қонунларда муниципал ҳокимият органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтлари ўртасидаги ваколатларни

¹ <https://lex.uz/>

² Маликова Г. Местное самоуправление в Узбекистане. // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. илмий – амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2004. – 185 – б.

аниқ чеклаш мавжуд эмас. Амалдаги қонунларга кўра, халқ вакиллари - Халқ депутатлари кенгаши ҳокимларга бўйсунди. Ҳатто, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида: «Туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатларини ягона бошқарув тамойилларида амалга оширади ва ўзи бошқараётган органлар қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсий жавобгардир»¹, деб белгилаб қўйилган. Бундай ҳолат, бизнинг фикримизча, халқ вакилларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга имкон бермайди, уларни ҳокимнинг яқка ҳокимлиги остида ишлашга мажбур қилади ва ўз демократик моҳиятини йўқотади.

Тўртинчидан, молиявий жиҳатдан кам таъминланганлик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтларига ўз ижтимоий-сиёсий вазифаларини самарали амалга оширишга имкон бермайди. Шунинг учун маҳаллий (муниципал) жамғармаларни кўпайтириш зарур.

Бешинчидан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш масалалари билан шуғулланувчи давлат ҳокимияти маҳаллий (муниципал) органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш зарур.

Илмий тадқиқотнинг учинчи боби **«Фуқаролик жамиятининг шаклланишида демократизм ва конституционализм тамойиллари»** деб номланган бўлиб, унда сиёсий демократия ва фуқаролар фаоллигининг ривожланишида фуқаролик жамиятининг шаклланиши муаммолари, сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларининг иш тажрибаси тадқиқ этилади. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ғояси ва муаммолари файласуфлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассислар томонидан фаол муҳокама қилинмоқда.

Фуқаролик жамияти - бу инсон эркинлиги ғояларининг мантиқий давоми бўлиб, унга ҳуқуқ тизимида, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларда устувор мавқе бахш этишдир. Бошқа томондан, фуқаролик жамиятини кишиларнинг бир-бирларига ҳар томонлама боғлиқлигини ифода этувчи ўзаро ҳамкорлиги ва бирлашиш шакллариининг тегишли усуллари йиғиндиси сифатидаги унинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳиятидан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Бу маънода фуқаролик жамияти ҳам халқнинг мустақиллигини, ҳам шахснинг ҳокимият расмий тузилмаларига муносабатини назарда тутувчи шартнома муносабатларининг табиий -ҳуқуқига асосланган мулоқотнинг тузилмавий-генетик тури сифатида белгиланади².

Фуқаролик жамияти - бу кишилар орасидаги объектив зарурий ўзаро ҳамкорлик соҳаси бўлиб, бу ерда инсон ҳуқуқ ва қонун устуворлиги асосида бир вақтнинг ўзида бошқа кишилар мақсадларини рўёбга чиқариш учун ишлаган ҳолда ўз манфаатларини амалга оширади. Бу давлатнинг воситачи сифатида энг кам иштирок этган манфаатларнинг энг яқин ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро боғлиқлигидир. Диссертацияда сиёсий партиялар фаолияти кишилар

¹ Қарақалпақстан Республикасының Конституциясы. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1993. – 100-б.

² Қаранг: Апресян Р.Г. Гражданское участие: ответственность, сообщество, власть. – М.: Аслан, 1997. – С. 32-39.

сиёсий фаоллигининг ривожланиши, уларда сиёсий онгининг шаклланиши нуқтаи назаридан ўрганилган.

Бугунги кунда сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида юзага чиқмоқда. Шунинг учун сиёсий жараёнлар - бу, энг аввало, сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сиёсий мақсадларига эришиш учун ижтимоий институтлар, гуруҳлар ёки шахслар билан ўзаро ҳамкорликдир. Бундан келиб чиқадики, «сиёсий жараён ҳокимият соҳасидаги институтлашган ва институтлашмаган субъектларнинг ўзига хос функциялари (дисфункциялари)ни амалга ошириш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, улар охир-оқибатда жамият сиёсий тизимини ривожланиш ёки таназзулга олиб келади»¹.

Авваламбор, таъкидлаш жоизки, сиёсий партия, ижтимоий ташкилот, ижтимоий бирликнинг кўринишини ўзида акс эттиради. Сиёсий партияларнинг ижтимоий ташкилот сифатидаги ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, улар муайян мафкуравий-сиёсий маслағи асосида яратилади.

Ғарб ва Россия сиёсатшунослигида сиёсий партиялар фақат ҳокимиятни қўлга киритиш ва ҳокимият тузилмасида иштирок этиш билан шуғулланишлари зарур, деган қатъий фикр шаклланган. Бундай чуқур эстетик ёндашув баъзан эътирозга сабаб бўлади. Сиёсий партиялар фаолиятини тадқиқ этган, Ф.О.Мусаев барча партиялар ҳокимиятни қўлга киритиш учун кураш олиб боришлари лозим, деган хулосага келади. У, диссертантнинг фикрича, «Ҳар қандай сиёсий партия ўзининг асосий вазифаси ҳокимиятни қўлга киритиш деб ҳисоблаши керакми? Агар сиёсий партия ўз вазифасини давлат ҳокимиятининг маданий, маърифий фаолиятини такомиллаштиришда кўрса, нима юз беради? Агар шундай бўлса, у сиёсий партия ҳисобланадими? Нима учун?»², деган мантиқий саволлар беради. Масалан, Ғарбда «яшиллар» («Табиатни севучилар партияси») партияси, майда миллатлар партиялари сингари партиялар мавжуд. Улар, асосан, маърифий фаолият билан шуғулланадилар ва ўз табиий ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар.

Диссертацияда сиёсий партияларнинг эстетик интилишлари инкор қилинмайди, лекин шу билан бирга, у сиёсий партияларнинг маданий-маърифий, ижтимоий-тарбиявий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган «Миллий тикланиш», «ЎзЛиДеп», «ЎзХДП», «Адолат социал–демократик», «Экологик» партиялари, моҳиятига кўра, сиёсий–ижтимоий ташкилотлар сифатида фаолият кўрсатаётганлиги ва уларнинг фаолияти демократизм ва конституционализм тамойиллари билан боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, унда Ўзбекистонда сиёсий партиялар ўз фаолиятига кўра, ижтимоий ташкилотлар ҳисобланиб, партия фаолиятининг асосий сиёсий йўналтирилганлиги, партияда қабул қилинган корпоратив маданият моҳиятини белгилайдиган қадриятлар, партия имижини шакллантириш жараёнлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

¹ Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Учебник. – М.: Аспект-Пресс, 1999 – С.383.

² Мусаев Ф. Демократик давлат куришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. –Т.: «O'zbekiston», 2007. 200-б.

Диссертацияда фуқаролик жамиятини шакллантиришда манфаатдор гуруҳларнинг роли ва аҳамияти, шунингдек, уларнинг сиёсий жараёнларга таъсири ёритиб берилди. Ижтимоий ва сиёсатшуносликка доир адабиётларда манфаатдор гуруҳлар «воситачи институтлар», «ноҳукумат ташкилотлари», «ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари», «носиёсий институтлар», «кўнгилли уюшмалар», «оммавий ижтимоий ташкилотлар» ва ҳ.к. деб аталади, диссертантнинг фикрича, уларни «фуқаролик жамияти институтлари» деб аташ мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертацияда бой тажрибага асосланган материал асосида бугунги кунда ижтимоий ҳаётда алоҳида ўринга эга жамоат бирлашмалари - касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, ижодий бирлашмалар, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва экологик ҳаракатлар, ноҳукумат ташкилотларининг вужудга келиш ва ривожланиш йўллари ёритиб берилди.

Оммавий ахборот воситалари кишилар онги ва хатти-ҳаракатлари, сиёсий тизимларига оммавий таъсир ўтказишнинг энг кудратли воситаси сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ва ахборот технологиялари туфайли глобал ахборот майдони яратилмоқда. Агар, масалан, «иктисодиёт ўзаро ҳамкорликнинг чекланган, асосан, билвосита шакллари шароитида бозорга асосланган ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият юрита олиши мумкин бўлса, сиёсатни эса мулоқотнинг бевосита шакллари ва турли ҳокимият органлари, жумладан давлат ва фуқаролар билан махсус алоқа воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди»¹. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари сиёсий плюрализмнинг нафақат алоҳида олинган давлатда, шунингдек, бутун дунёда вужудга келишига таъсир кўрсатади.

Қорақалпоғистонда ҳозирги кунда 47 та босма нашрлар, жумладан, 39 та газета (республика, шаҳар, туман), 7 та журнал (республика ва тармоқ) рўйхатга олинган. Газеталарнинг ўртача бир марталик нусхалари сони - 2 минг нусхадан ортиқ бўлса, журналлар сони эса мавжуд шароитларга боғлиқ.

Қорақалпоғистон – кўпмиллатли республика. Газеталар, журналлар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар камида беш тил (қорақалпоқ, ўзбек, рус, қozoқ ва туркман)да олиб борилади. Қорақалпоғистон Республикасида 40 та газета, 9 та журнал, 1 та бюллетень, 5 та телевидение, 2 та радио, 1 та ахборот агентлиги ва 1 та электрон ОАВ рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 9 та ОАВ ўзининг электрон веб-сайтига эга. Босма нашрларнинг умумий сонидан 30 та газета ва 7 та журнал қорақалпоқ тилида, 10 та газета ва 2 та журнал қорақалпоқ ва ўзбек тилларида, 5 та газета фақат ўзбек тилида ва 11 та газета ва журнал ўзбек ва қорақалпоқ тилларида, 1 та газета фақат рус тилида, 5 та газета ва 4 та журнал рус ва қорақалпоқ тилларида, 1 та газета қozoқ ва ўзбек тилларида ва 1 та газета туркман тилида нашр этилади. Бундан ташқари, 1 та газета ва 4 та журналда қорақалпоқ ва ўзбек тиллари билан бир қаторда, инглиз тилидан фойдаланилади. Республикага Россия газеталари: «Аргументы и факты», «Труд», «Медицинская газета» ва бошқалар ҳам

¹ Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Учебник. – М.: Аспект-Пресс, 1999. –С.346.

келади¹.

Ушбу барча газета ва журналларни муассислари, мазмуни, йўналишига қараб, бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи, энг катта гуруҳ - бу оммавий ўқувчилар, аҳолини ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишлари бўйича хабардор қилишга мўлжалланган, давлат томонидан нашр этиладиган ижтимоий-сиёсий газета ва журналлар. Иккинчи гуруҳга партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ва бирлашмаларнинг ижтимоий-сиёсий нашрларини киритиш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими ахборотномаси», ҚДУ, НДПИ, Республика педагог кадрлари малакасини ошириш институти, ЎзПЕД фанлари малака ошириш институтларининг шахсий Бюллетень нашрлари илмий журналари, шунингдек адабий-бадиий журналлар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ёритиш, аҳолини бозор иқтисодиёти асослари билан таништиришга йўналтирилган хусусий нашрлар («Sawda press», «Нукусская неделя» газеталари) мавжуд².

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси телевидениеси мустақил Ўзбекистон телевидениеси стандарти бўйича фаолият юритмоқда. Ахборот дастурлари, шунингдек, қатор кўнгилочар ва публицистик кўрсатувлар узатилади. Қорақалпоғистонда кабель телевидениеси орқали Россия телевидениеси каналлари, жумладан, айрим МДХ мамлакатлари (Туркманистон, Қозоғистон ва ҳ.к.) дастурларини томоша қилиш имконияти мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлари тил ва мазмун йўналиши аҳолисининг кўпмиллатли таркибини етарли даражада акс эттиради ва Ўзбекистон миллий сиёсатига асосланган демократик тамойилларга мос келади.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасидаги ОАВ ўз асосий вазибаларини анча муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Улардан бири - хабар бериш ва маърифат тарқатишдир. Давлат сиёсатига тааллуқли оқилона қарорлар қабул қилиш учун кишиларга аниқ, ўз вақтида ва холис ахборот бериш керак. Қарашлар ранг-баранглиги кишиларнинг кенг кўламдаги фикрлар доирасига кириш ҳуқуқига эга бўлишларини тақозо этмоқца. Ушбу роль оз миқдордаги сайловчилар номзодни ўз кўзлари билан кўришлари, ундан ҳам озроғи эса, у билан суҳбатлашиш имконига эга бўладиган сайловолди кампаниялари даврида, айниқса, муҳимдир. Улар газета ва телевидениега суянишларига тўғри келади. Ушбу барча газета ва журналларни муассислари, мазмуни, йўналишига қараб, бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи, энг катта гуруҳ - бу оммавий ўқувчилар, аҳолини ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишлари бўйича хабардор қилишга мўлжалланган, давлат томонидан нашр этиладиган ижтимоий-сиёсий газета ва журналлар. Иккинчи гуруҳга партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ва бирлашмаларнинг ижтимоий-сиёсий нашрларини киритиш мумкин.

¹ <https://kknews.uz/uz/53485.html>

² Ўша манба.

ОАВ ҳукумат ва жамиятдаги бошқа ҳокимият институтлари ҳаракатлари устидан ижтимоий назорат ва кузатувни амалга оширади. Мақолалар, тадқиқот репортажлари воситасида улар муайян сиёсий йўналиш бўйича кампания ташкил қилишлари ёки уларнинг фикрича, ҳаётга татбиқ этилиши лозим бўлган ислоҳотларни амалга оширишлари мумкин. Мустақиллик ва холислик стандартларига асосланган ҳолда улар ҳукумат баёнотлари ортида яширинган ҳаёт ҳақиқатларини фош қилишлари мумкин. Мана шу асосда улар ҳукуматдан унинг фаолияти ҳақида ҳисобот талаб қилишлари мумкин. Улар форум бўлиб ҳам хизмат қилишлари мумкин, бунда ташкилот ва алоҳида шахслар бир-бирига зид қарашлардан иборат ўз фикрларини хат ва нашрларда ифодалаш имкониятига эга бўладилар¹.

Лекин таассуф билан шуни айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси оммавий ахборот воситалари ушбу замонавий тамойилларни, вазифаларни бажара олмаяптилар. Матбуот ва телевидениенинг камчиликларидан бири уларнинг материаллари ва кўрсатувларида баҳс-мунозара, ҳукуматни танқид қилишнинг етишмаслигидир. Мамлакат ва унинг ташқарисида юз бераётган ҳодисалар ҳақида холис, аниқ ахборотлар бериш билан бир қаторда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолиятига танқидий баҳо бериш, мамлакатнинг ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидаи олға силжишига тўсқинлик қиладиган ҳаётимиздаги нуқсонлар, жиддий муаммоларни очикдан-очик касбий таҳлил қилиш зарур. Шу билан боғлиқ ҳолда муҳим вазифа - демократик янгиланишларни чуқурлаштириш ва фуқаролар эркинликларини муҳофаза қилишнинг энг муҳим шарти сифатида ОАВ ни ривожлантиришдаги демократик стандартларни амалга ошириш бўйича аниқ ва изчил чора-тадбирлар ўтказиш вазифаси қўйилди².

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи ва Қорақалпоғистон ижтимоий–сиёсий институтларининг ривожланишида конституционализм тамойилининг истиқболлари**» деб номланган бўлиб, унда глобаллашув, давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар (ва ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, уларнинг иқтисодиётдаги интеграция, ижтимоий ҳаёт барча соҳаларининг байналмилаллашувининг ўзига хос жиҳатларидан бири эканлиги, айнан мана шу омил миллий-анъанавий жамиятлардаги ўзгариш жараёнлари ва уларнинг сиёсий институтларни модернизацияси асосида турганлиги ҳақида сўз юритилади.

Жамият ва унинг сиёсий институтлари модернизациясининг дастлабки назариялари, илмий асосланган тамойиллари ўтган XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Кейинчалик «сиёсий модернизация назарияси» ёки «сиёсий ривожланиш назарияси» деб ном олган мазкур назарияларда анъанавий сиёсий тизимларнинг замонавий шаклга ўтишидаги муайян тарихий жараён кўриб чиқилади, модернизацияга олиб келадиган жамият, унинг сиёсий институтлари бўйсинишга мажбур бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) механизмлари очиб берилади.

¹ Қаранг: Мамадалиев Ш. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. –Т.: ИИВ Академияси, 2003. -197-199-бб.

² Мамадалиев Ш. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. –Т.: ИИВ Академияси, 2003. – 202-б.

Диссертацияда бу назарияларда кўпинча замонавий ва анъанавий жамиятлар, демократик ва нодемократик сиёсий институтлар чекланади ёки бир-бирига қарама-қарши қўйилади, деган хулосага келинган.

70-80-йилларда модернизация назарияси инсон жамияти ва тамаддунининг ривожини умумий моделини асослашга айданиб кетдики, бунинг моҳияти анъанавий жамиятдан рационал-техник замонавий жамиятга ўтишни ўрганишдир. Ўша даврда Г.Алмонд, А.Пауэлл, Д.Антер, С.Верба, Л.Пай, С.Эйзенштад. С.Хантингтонларнинг ишлари пайдо бўлдики, уларда модернизациянинг икки назарияси ўз ифодасини топган эди: 1) ўзига хос модернизация; 2) иккиламчи модернизация. Ўзига хос модернизацияга АҚШ ва Ғарбий Европада Иккинчи жаҳон урушидан кейин узоқ давом этган ички ривожланиш натижаси сифатидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тегишлидир. Иккиламчи модернизация ўз ривожига орқада қолган, илғор мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тажрибасидан фойдаланиш ҳисобига янада жадал усул билан уларни қувиб етишга уринаётган мамлакатлар учун хосдир. Модернизацияни ўзгалар тажрибасини ўзлаштириш жараёни сифатида ўрганиш етарли бўлмай қолиб, замонавийлашаётган жамиятлар ва уларнинг тизимларидаги ички хусусиятларни ҳисобга олиш зарур эди. Шунинг учун сўнгги йилларда қатор назарий-таҳлилий ишлар пайдо бўлдики, уларда тадқиқотчилар: 1) модернизация объектларини ўрганиш географиясини кенгайттирдилар; 2) объектив келиб чиқиш муаммолари, сиёсий ўзгаришлар бўҳронлари, уларни бартараф этиш йўллари ва шакллари ўрганишга урғу бера бошладилар; 3) сиёсий жараёнлар уларнинг миллий, маданий мазмун-моҳиятини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этила бошлади. Айрим давлатларининг тажрибаси модернизация маданиятнинг анъанавий модели заифлашганда эмас, ҳатто улар кучайганда ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатди¹. Шу боис, табиийки, модернизацияни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожини мазмунидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш ҳамда маданиятнинг анъанавий шакли, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг миллий ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур².

Ҳозирги вақтда давлатдан ташқари, сиёсий институтлар ўз корпоратив мақсадларини заиф тасаввур қиладилар, шунинг учун улар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий ва назарий жиҳатдан ҳимоя қила олмайдилар, кўпинча, сиёсий институтларнинг бундай ночорлигидан маҳаллий ҳокимият органлари фойдаланадилар. Илғор мамлакатлар сиёсий институтлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий институтлар ўз мақсадларини англаб, уларни ҳимоя қилишга фаоллик кўрсатмас экан, улар ҳеч қачон ҳокимият органлари фаолиятига таъсир ўтказа олмайдилар, балки, аксинча, вақт ўтиши билан уларнинг тузилмасига айланиб қоладилар ва шу билан, ННТ сифатидаги ўз ижтимоий моҳияти ва мустақиллигини йўқотадилар.

Сиёсий институтларнинг фаолияти корпоратив манфаатларга қанчалик

¹ Қаранг: Политическая модернизация <http://www.tspu.tula.ru/res/other/politolog/lee/12.html>. – С.6

²Ўша ерда.

йўналтирилган бўлмасин, у инсонпарварлик ва хайрихоҳлик тамойилларини назардан қочира олмайди. Барча ислоҳотлар, сиёсий институтлар фаолиятининг бошида инсон манфаатлари, ҳозирги замон модернизациялаш даъватлари туради, моҳиятига кўра, сиёсатга хайрихоҳ бўлиши лозим. Сиёсий маданият ушбу тамойилларни мустаҳкамлаш, сиёсий институтларга сиёсий муҳитда хайрихоҳ фаолият олиб боришга кўмаклашиши лозим. «Ижтимоий хайрихоҳлик, - деб ёзади фалсафа фанлари доктори, профессор У.М.Абилов, - бевосита инсонга, унинг объектив эҳтиёжларига ва муайян талабларига йўналтирилган ҳолда янгилашиб бораётган иқтисодиётда вужудга келди, нафақат базис силжишлари, балки устқурма хусусиятига эга жараёнлар, жамият сиёсий ва ахлоқий тузилмаларидаги ўзгаришлар билан таъминланади. Сиёсий вазият ва жамиятнинг ахлоқий ҳолати ижтимоий ҳаёт соҳаси бўлиб, унда ижтимоий хайрихоҳлик мустаҳкамланиш ёки тўхтаб қолишга қўшимча рағбат, балки ҳукумат тузилмалари фаолият кўрсатишида, ижтимоий фаоллик, демократияни ривожлантириш, сиёсий маданиятни мустаҳкамлашни амалга ошириш шакллари ҳам эга бўлади»¹. Диссертацияда Қорақалпоғистон Республикаси ўз стратегик мақсади - фуқаролик жамияти ва хайрихоҳ ҳуқуқий давлатни шакллантиришни белгилаб олганлигига қарамасдан, сиёсий институтлар бунга турлича, баъзан мос келмайдиган жавоб қайтариши мумкин, деган хулосага келинган.

Жаҳондаги сиёсий жараёнлар ривож иқтисодий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ. Модернизациялашнинг кўпдан-кўп концепциялари ва назарияларининг пайдо бўлиши турли ижтимоий-маданий асосга эга бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жараёнларининг объектив инъикосига айланди. Анъанавий жамиятдан замонавий демократик жамиятга ўтиш барча давлатлар учун уларнинг ижтимоий-маданий асосидан қатъи назар, ривожланишнинг умумий қонуний тадрижий йўлидир.

Диссертацияда жамиятни демократлаштиришнинг зарурий шартларидан бири миллий бирдамлик, иқтисодий тараққиёт даражаси ва сиёсий элитанинг мавжудлиги, модернизациялаш жараёнини амалга ошириш механизмини ишга туширишда ташаббус кўрсата олиш ва бу жараёнда сиёсий тизим ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг оқилона йўллари танлаб олиш борасида ғояларни яратувчи зарурий унсур сифатида иштирок этиши ҳақида сўз юритилади.

Модернизациянинг таркибий қисми сифатида демократлаштириш жараёнларининг ривожланишига имкон яратувчи реал омил глобаллашувдир. Иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик алоқаларига яқин кунларгача ёпиқ ёки ярим ёпиқ давлатларни тортган глобаллашув давлатлар ва минтақалар ўртасидаги одатий чегараларни ювиб ташлаб, халқаро ахборот алмашуви ривожига кўмаклашмоқда. Сиёсий-иқтисодий тараққиёт ғоялари ва тажрибаси билан алмашиш замонавий сиёсий жараёнларнинг меъёрига айланмоқда.

Ноғарбий мамлакатлардаги модернизациялаш тажрибаси ушбу жараёндаги энг муҳим икки йўналишни ёритиб берди. Биринчиси - ноғарбий

¹ Абилов У.М. Независимость и оптимизм. Проблема взаимосвязи. –Т.: «Фан», 1997.-С.134.

жамиятларнинг ижтимоий-маданий асослари фақат янги кадриятлар ва меъёрлар мослаштирилгандан сўнггина инновацияларни қабул қилишга қодир бўлиб, бу жараён анча вақт талаб қилади. Иккинчиси - янги кадриятларнинг мослаштириш шакли ноғарбий жамиятни демократлаштириш ва модернизациялашнинг мақбул модели сифатида уларнинг муайян жамиятнинг ўзига хос ижтимоий-маданий асоси билан симбиози ва синтези бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистондаги сиёсий институтлар ривожини, истиқболларини кўп жihatдан жамиятнинг сиёсий маданияти ва унинг модернизациялашиш салоҳияти даражасига боғлиқ. Ушбу диалектик жihatдан ўзаро боғлиқ бўлган хусусиятлар сиёсий институтларнинг сиёсийлашганлиги, мафкуралашганлиги, демократлашганлиги, қонунийлиги, корпоративлиги, инсонпарварлиги ва ҳаракатларининг хайрихоҳлигида ўз ифодасини топмоқда. Бу хусусиятлар нафақат шаклланиб бўлган, уларнинг айримлари ҳали тикланиш босқичида турибди. Фақат келажакда улар ўзларини янада ёрқин ва янада барқарор намоён эта оладилар. Сиёсий институтларнинг Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга хайрихоҳ кайфияти жамиятнинг конституционализм асосида демократлаштириш аллақачон ортга қайтмас жараёнга айланди ва у туфайли сиёсий институтлар тараққиётининг истиқболлари таъминланмоқда, деб хулоса қилишга имкон бермоқда.

ХУЛОСА

1. Қорақалпоғистон Республикасида янги сиёсий институтларнинг тикланиши ва ривожланиши жамият барча жабҳаларининг тубдан янгиланиши, унинг институтларини конституционализм асосида демократлаштириш ва модернизациялаш, давлат фаолиятини бошқаришга халқнинг сиёсий партиялар ва фуқаролар институтларини кенг жалб қилиш орқали юз бермоқда. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шакллантиришда сиёсий институтлар фаолиятини фаоллаштириш йўллари ва усуллари излаш жараёни бормоқда.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг суверен ривожланишидаги қисқа тарихий даврда унда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган - ихчам, «очиқ», ижтимоий-сиёсий тараққиёт ва такомиллашувга мойил ҳокимият қонунчилиги ва ижроия органлари вужудга келди. Бунга, асосан, икки асосий сабабга кўра имкон туғилди. Улардан бири суверен давлатнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлса, бошқаси эса - хўжалик юрисишнинг ижтимоий шаклидан янги, янада илғор замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқдир.

3. Жамиятнинг янада демократлаштириш ва янгиланиш, мамлакатнинг ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг юксак мақсадларига таянган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасининг олий қонунчилиги органи - Жўқорғи Кенгес ўзининг барча саъй-ҳаракатларини давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа - Қорақалпоғистон Республикасида қонунчилиги

ҳоқимияти таъсири ролини янада кучайтириш ҳамда ҳоқимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд тармоқлари ўртасида янада мувозанатлашган ва барқарор тенгликка эришишга қаратмоқда.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши – республикада иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг талаб даражасида фаолият кўрсатиш устидан олий раҳбарликни амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ва ЎзР Олий Мажлиси икки палатаси қарорлари, шунингдек, ЎзР Президенти ва ЎзР Вазирлар Маҳкамаси фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва унинг Президиуми қарорлари ва фармойишларининг бажарилишини таъминловчи давлат ҳоқимиятининг олий ижроия-бошқарув органидир.

5. Мустақилликка эришилгандан сўнг Республика тараққиёт стратегиясидаги устувор йўналишлардан бири фуқаролик жамиятини барпо этиш бўлди. Фуқаролик жамияти - бу кишилар ўртасида объектив заруратга эга ўзаро ҳамкорлик соҳаси бўлиб, унда инсон ҳуқуқ ва қонун устуворлиги асосида бир вақтнинг ўзида бошқа кишиларнинг мақсадларини рўёбга чиқаришга интиланган ҳолда ўз манфаатларини амалга оширади. Бу давлатнинг воситачи сифатида энг кам иштирокида юз берадиган манфаатларнинг янада чамбарчас ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро боғлиқлигидир. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришни инсоннинг шахсий манфаатларини барча бошқа манфаатлардан устувор даражагача кўтарган ҳолда ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш зарур. Айнан фуқаролик жамиятини ривожлантириш миллат фаровонлигига олиб келадиган шартдир.

6. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва рағбатлантириш конституционализм тамойили барқарор демократия қарор топишининг асоси сифатида юзага чиқади. Демократия эҳтиёж сифатида англандиган, идрок этиладиган ва амалиётга татбиқ қилинадиган шароитларни яратиши зарур. Бунинг йўли - инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир. Унинг ҳуқуқларини, асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни амалга оширишда кўмаклашиш, шунингдек, демократик институтларни мустаҳкамлаш - барқарор демократия хавфсизлиги ва амал қилинишини таъминловчи ҳаётий муҳим асосдир.

7. Мустақил давлат таркибидаги суверен давлат - бу сиёсатшунослик ва давлатшуносликдаги янги атамадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 73-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кириб, бу Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуни билан ҳам тасдиқланганини эътироф этган. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ келиши лозим (78-модда).

8. Республика суверенитетини сиёсат назариясида кўпинча республиканинг бўлиниш ва ўзи ажралиб чиқиш ҳуқуқи билан боғлайдилар. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасидан ажралиб чиқиш

ҳуқуқига эга. Бу республикалар мустақиллиги, тенг ҳуқуқли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибида яшашни истайди. Бу истак, биринчидан, иқтисодий, сиёсий, маданий, этник алоқалар чамбарчас боғланиб кетган ва уларни зўрлик билан узиб бўлмаслигидан келиб чиқади. Иккинчидан, аҳоли таркиби кўп миллатли, улар ўзаро боғланиб кетган. Улар бунга турлича ёндашиши мумкин. Учинчидан, бу Қорақалпоғистон Республикасига нима бериши ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак.

9. Сиёсий институтлар ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида ўз моҳияти ва тизимли хусусияти, ички тузилмаси ва вазифаларига эга бўлиб, сиёсий жараёнларнинг субъекти ва объекти сифатида юзага чиқади. Шунинг учун уларнинг ушбу ўзига хосликлари ва хусусиятларини умумий тизимли ёндашувни қўлламай туриб, сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларнинг мажмуини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этмай туриб, ўрганиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув сиёсий институтлар фаолиятини жамиятда юз бераётган демократизм ва конституционализм тамойиллари, барча ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилиш ва уларнинг жамият янгиланиши ва модернизациялашиши тизимидаги ривожланиш йўллариини белгилашга имкон беради.

10. Демократизм ва конституционализм тамойилларининг шаклланиши жараёнлари - сиёсий институт (сиёсий фаолият субъекти ва объекти) - сиёсий жараён (сиёсий воқелик) диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳодисалар бўлиб, бу ерда сиёсий институт асос сифатида юзага чиқади. Тадқиқотнинг кўрсатишича, сиёсий жараёнлар макро- ва микродаражада юз беради. Макродаражадаги жараёнлар асосий, яъни микродаражадаги сиёсий жараёнлар учун белгиловчи ҳисобланади. Микродаражадаги жараёнларга сиёсий институтларнинг, вилоятлар, шаҳарлар, ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ва ҳаракатланаётган сиёсий фаолият субъектлари ва объектларининг ўзаро ҳаракати ва ўзаро таъсири киради. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтлари ҳудуди шу даражага эга бўлиб, вилоят ва шаҳар институтларидан фарқли ўлароқ, бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув (институционал) хусусиятларига эга. Ушбу хусусиятлар демократизм ва конституционализм тамойилларининг Ўзбекистон Республикаси умумий сиёсий тизимининг меъёрловчи халқ ҳокимиятининг қонуний ифодаси бўлишини таъминлайди.

11. Сиёсий институтлар орасида давлат бош ролни ўйнайди; у Конституцияга асосланган ҳолда махсус усуллар ва воситалар билан сиёсат оламини ташкил қилади ва тартибга солади, ижтимоий-сиёсий воқеликка таъсир кўрсатади ҳамда зарурий ижтимоий-сиёсий муҳитни яратади. Суверен Қорақалпоғистон давлати ҳудуд ҳаёт фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, сиёсий институтларни яратиш, халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий ҳаётни бошқариш тузилмасини яратиш учун барча зарурий воситаларга эга. Бугунги кунда жамиятимиз ҳал қилаётган янги ижтимоий-сиёсий вазифалар, кишилар ҳаётини демократлаштиришга ҳар

томонлама таъсир ўтказиш, иқтисодий фаолият ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги нафақат давлатнинг бошқарув фаолиятини мураккаблаштирмоқда, балки аҳолининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигидан кенг фойдаланиш ҳамда умуман, сиёсий тизимни мақсадга йўналган ҳолда ривожлантиришни кўзда тутди.

12. Демократик ва конституционализм тамойиллари асосида шаклланган сиёсий институтлар аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини онгли тарзда ва мақсадга йўналтирилган ҳолда тартибга солиш ва бошқариш, уларнинг куч ва имкониятларини фуқаролик жамиятини қуришда бирлаштирувчи қуролдир. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ушбу стратегик мақсад сари дадил бормоқда. Шу билан бирга, тадқиқотчилик ва ташкилий-бошқарув ишларини талаб этадиган қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

Биринчидан, етакчи демократик мамлакатлар ва Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг қиёсий сиёсатшунослик таҳлилин, тадқиқотини ўтказиш. Ушбу таҳлил тадқиқот асосида аҳолининг сиёсий фаоллиги ва манфаатларини ривожлантиришнинг аниқ усуллари ва технологияларини ишлаб чиқишни кўзда тутди. Бундай тадқиқотни хорижий сиёсатшунос мутахассислар билан биргаликда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, жамиятимизда мавжуд мустақил сиёсий жараёнлар мониторинги институтларини такомиллаштириш лозим. Сиёсий институтлар ҳаётида нима юз бермоқда, улар қандай тадбирларни тайёрламоқда, ҳукуматнинг у ёки бу қарорига улар қандай жавоб қайтармоқда, бу сингари саволлар барчани қизиқтиради, Лекин аҳоли улар тўғрисида ҳеч қандай ахборотга эга эмас. Мавжуд сиёсий партиялар ёки фуқаролик институтлари малакали кадрлар ва тажриба етишмаслиги боис бу ишларни бажара олмайдилар. Мустақил мониторинг институти, аҳоли ва давлатни сиёсий институтлар ҳолати, аҳолининг жойлардаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ишларни бошқаришда иштирок этиш имконияти тўғрисида ўз вақтида ахборот бериши мумкин эди. Сиёсий институтлар фаолиятини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини назардан қочирмаган ҳолда сиёсий жараёнларни бунёдкор, ижобий оқимга йўналтирувчи таъсир ўтказишнинг ижтимоий ва давлат механизмлари зарур. Бунинг учун сиёсий жараёнлар мониторингини олиб борувчи махсус мустақил институтларни замон талабидаги инновацион услублар билан таъминлаш зарур.

Учинчидан, бугунги кунда сиёсий институтларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, демократик ва конституционализм тамойилларининг давлат қурилишида, фуқаролик жамиятини шакллантиришда 2020-2030 йилларга қадар ривожланиш истиқболларини белгилаш бўйича башорат тадқиқотлари ўтказиш зарур. Бундай узоқ муддатли башорат сиёсий институтларни такомиллаштириш, янги замонавий механизмларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КОЖАГЕЛДИЕВ АБАТБАЙ УЗАКБАЕВИЧ

**ПРИНЦИПЫ ДЕМОКРАТИЗМА И КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМА
В МОДЕРНИЗАЦИИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ИНСТИТУТОВ
(НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН)**

23.00.02 – Политических институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)
ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.DSc/Ss 28.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Национального университета Узбекистана (www.nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант: **Мусаев Фахриддин Абдусаттарович**
доктор философских наук, профессор

Официальные рецензенты: **Жўраев Нарзулла Қосимович**
доктор политических наук, профессор

Равшанов Фазлиддин Равшанович
доктор политических наук, профессор

Жўраев Юлдаш Очилович
доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация: **Международная исламская академия Узбекистана**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана «___» _____ 2021 года в ___ часов. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел. : (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02 - 24; e-mail: nauka@nuu.uz. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 5-й этаж, кабинет 511).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован под номером ____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университетская, д. 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 4. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(Протокол регистрации № ___ в «___» _____ 2021 г.)

Ш.И.Пахрутдинов

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, д.п.н., профессор

К.М.Мирзаахмедов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, д.ф. (PhD)

А.Г.Муминов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (DSc) доктора наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке в развитых странах растёт спрос на практическое использование эффективных административных механизмов в системе государственного управления. Страны, идущие дорогой построения демократического общества и обеспечения своим гражданам права широкого участия в принятии решений относительно жизни страны в системе государственного управления, основное внимание уделяют применению политических технологий в осуществлении принципов демократизма и конституционализма в модернизации политических институтов. При этом становится актуальной передача определённых полномочий государственных органов власти институтам гражданского общества, которые являются неотъемлемым атрибутом демократического общества, в частности, органам самоуправления и через это повысить их место и роль в жизни общества, расширить их полномочия.

В развитых государствах особое внимание уделяется исследованиям, направленным на эффективное применение технологий оценки эффективности управления, а также внедрению новых механизмов использования принципов демократизации и конституционализма в модернизации политических институтов. Наряду с этим, в условиях усиленного процесса глобализации и модернизации в сфере государственного управления, выдвинуты также ряд концептуальных взглядов по методологическим основам понятий “национальное развитие”, “национальная концепция”, “национальные модели”, “политическая модернизация”, “модернизация общества” Исходя из этого, в своих исследованиях ведущие научно – исследовательские центры мира уделяют отдельное внимание к таким проблемам, как предотвращение повторения задач, функций и полномочий среди органов государственного управления, а также обеспечение и достаточного участия институтов гражданского общества (в повышении) эффект деятельности органов государственного управления с учетом принципов демократизма и конституционализма в системе государственного управления.

Вопрос передачи определённых полномочий центральных органов государства местным органам управления в стране, процесс децентрализации местной власти, а также осуществление принципов демократизма и конституционализма в модернизации политических институтов, изучение международного опыта и вопросы внедрения на практике мирового опыта в этой сфере являются одним из актуальных и важных задач. Поэтому в качестве основы принципов демократизма и конституционализма в модернизации политических институтов является их системное внедрение в структурные образования, критерии, концепции и модели.

Данная диссертация в определенной степени служит обеспечению задач по реализации Указов Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от

07.02.2017, «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан» №УП-5185 от 08.09.2017, №УП-5430 от 4 мая 2018 г. “О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны”, Постановления №ПП-2851 от 27 марта 2017 г. “О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности независимого института по мониторингу формирования гражданского общества”, и других нормативно-правовых документов по данной теме.

Соответствие исследования об приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Дальнейшее углубление демократических реформ, формирование гражданского общества, разработка научных основ по модернизации и либерализации национальной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹

Исследования по вопросам механизмов и технологий повышения эффективности деятельности политических институтов на основе принципов демократизма и конституционализма, модернизации общества проводились в ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях, таких как Peace Research Institute Frankfurt (Германия), Centre of Scientific investigation of civil Society, Centre International investergate of Oxford University, Cambridge University, The George Washington University (США), Centre of scientific investigation of Central Asia, Institute of International Policy Studies, Академия государственной службы центра анализа национальных и федеральных отношений при Президенте РФ (Россия), Asian strategy and Leadership Institute (Малайзия), The China Researcher Center (Китай), Национальный университет Узбекистана, Университет мировой экономики и дипломатии (Узбекистан).

При изучении глобального политико-правового анализа концептуальных моделей модернизации политических институтов на основе принципов конституционализма и демократизма получены следующие научные результаты: определены роль и статус модернизации и политических институтов в социально-политическом развитии, (Institute Gelap for publisher disput, США, Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society, Германия); значение развития экономических, политических, социальных отношений на основе принципов конституционализма и демократизма в обществе, направления модернизации в национальном развитии (Centre International invesirgate of Oxford University, Великобритания, Center of scientific investigation of central asia, США, The

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, www.ucentralasia.org, www.nti.org, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk/nirc, www.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.uni-freiburg.de; www.csis.org; www.iips.org/en/; riss.ru; www.chinacenter.net; www.kisi.kz; uzstrateg.info; www.ifs.uni-frankfurt.de; centralasiaprogram.org; www.dba.uz, www.uzhistory.uz, www.nuu.uz, www.tuit.uz и разработан на основе других источников.

China Research Center, Китай, Institute of International Policy Studies, Япония, Asian Strategy and Leadership Institute, Малайзия).

В мире осуществляются исследования по направлениям обеспечения осуществления принципов демократизма и конституционализма в дальнейшем совершенствовании политических институтов и модернизации общества (МГУ им М.В.Ломоносова, Международный институт бизнеса и экономики, Университет государственного управления, Академия государственной службы и народного хозяйства при Президенте). На основе результатов исследований в официальных журналах (“Советник”, “Sostav.ru”, “Advertology.ru”, «Новости СМИ», «Пресс-служба») опубликованы научно-методические статьи по вопросам традиционного общества и стратегии его модернизации, принципам демократизма и конституционализма в трансформации общества, принципам управления человечности и политико-правовому состоянию личности.

